

ПОЧТА АЛОҚАСИ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИ № - 12

Карши шаҳри

11.01.2022 йил

Ўзбекистон почтаси АЖнинг Ишончномаси асосида фаолият юритувчи Ўзбекистон почтаси АЖ Қашқадарё филиали раҳбари О.Б.Махмудов (кейинги ўринларда Хизмат кўрсатувчи деб аталади) бир томондан ҳамда ўзининг Низоми (устави, ишончномаси) асосида фаолият юритувчи Қашқадарё вилоят қурилиш бош бошқармаси раҳбари Р.Шоимардонов (кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталади) иккинчи томондан, мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Буюртмачи кўрсатма беради ва Хизмат кўрсатувчи мижозга қуйидаги почта алоқаси хизматларини кўрсатиш мажбуриятини олади.

- барча турдаги почта жўнатмаларини қабул қилиш, қайта ишлаш, жўнатиш ва етказиб бериш,
- қўшимча хизматлар (қайтариб юборилган почта жўнатмаларини сақлаш ва бериш, почта қутисига обуна бўлиш ва бошқалар).

1.2. Буюртмачи кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўлаш мажбуриятини олади.

1.3. Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 18 апрелда 2219-рақам билан рўйхатдан ўтказилган "Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидалари" ва Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 22 апрелдаги янги тахрирдаги "Почта алоқаси тўғрисидаги" УРҚ-211 қонунига мувофиқ амалга оширилади.

1.4. Келгусида томонлар, томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан қўшимча шартномалар имзолаш орқали кўрсатиладиган хизматларини кенгайтириш имкониятларини кўриб чиқишлари мумкин.

1.5. Буюртмачи ушбу шартноманинг иловасидаги Спецификацияга мувофиқ, почта алоқаси хизматларидан фойдаланишда почта тўлов маркалари ва почта конвертиларини мулк сифатида қабул қилиб олади.

2. ТЎЛОВ ТАРТИБИ

2.1. Шартноманинг умумий суммаси 2100000 (икки миллион юз минг сум 00 тийин) ККС сиз.

2.2. Солиқ кодексининг 243-моддаси 7-бандига мувофиқ мулк сифатида қабул қилинган почта тўлов маркалари ва почта конвертлари қўшимча қиймат солиғидан озод қилинган.

2.3. Спецификацияга мувофиқ аввал 15 фоиз ёки 315000 сум олдиндан тўлов амалга оширилади ва почта тўлов маркалари ва почта конвертлари қабул қилиб олингандан сўнг қолган 85 фоиз ёки 1785000 сўми 3 (уч) банк иш кунида амалга оширилади.

2.4. Тўлов шакли ҳисоб-китоб нақд пулсиз, пул кучириш йули билан амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1 Ушбу шартномага мувофиқ, Буюртмачи қуйидагиларни ўз зиммасига олади:

- Жўнатилиши тақиқланган предметлар жўнатмайди РН 45-1652.2007
- 9.00 дан 18.00 гача манзиллар бўйича почта жўнатмаларини "Хизмат кўрсатувчи"нинг почта алоқаси объектларидаги вакилига етказиб беришни амалга оширади.
- Почта жўнатмалари ва уларга қўшимча ҳужжатларни жойлаштириш, қадоқлаш ва қайта ишлаш талаблариг: мувофиқлигини таъминлаш.

- Почта жўнатмалари йўл варақалари бўйича етказиб бериш, почта алоқаси хизматлари кўрсатиш қоидалариг: мувофиқ босма ва электрон шаклдаги 103-шаклдаги рўйхатлар бўйича почта жўнатмаларини етказиб бериш.

- Почта жўнатмаларини қабул қилиш ва жўнатиш учун белгиланган тартибда ишончнома бериш.

- Ушбу шартнома бўйича "Хизмат кўрсатувчи"нинг хизмати учун ҳақ тўлашда келишмовчиликлар юзага келганде тарифлар кўтарилган тақдирда, бу ҳақда тарифларнинг ўзгариши тўғрисида тўғрисида маълумот олинган кундан бошлаб 2 календарь кун ичида "Хизмат кўрсатувчи"га ёзма равишда хабар беради, "Хизмат кўрсатувчи" янги тарифлар бўйича хизматларни тўлашдан бош тортганлиги тўғрисида хабар олган пайтдан бошлаб шартнома бекор қилинган ҳисобланади. Белгиланган муддатда янги тарифларда хизматларни тўлашдан ёзма равишда рад этиш этиш мижоздан олинмаса, тарифлар мижоз билан келишилган ҳисобланади.

- Амалга оширилган хизматлар учун ҳисоб варақ фактурани ўз вақтида қабул қилиш ёки рад этилганда сабабларини асослантириб бериш.

3.2 Ушбу шартномага мувофиқ, Хизмат кўрсатувчи қуйидагиларни ўз зиммасига олади:

- Буюртмачидан "Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидалари" ва "Почта алоқаси тўғрисида"ги қонун мувофиқ почта жўнатмаларини қабул қилиб олади.
- Мижознинг почта жўнатмалари қайта ишлаш, йўналтириш ва етказиб бериш (топшириш) жойига етказиш.
- Почта жўнатмаларини белгиланган муддатларда етказиб беришни амалга оширади. Дам олиш ва таъти кунлари бундан мустасно.
- Мижознинг номига қайтарилган почта жўнатмаларини сабабларини аниқ кўрсатган холда қайтарилиши таъминлайди.
- Почта жўнатмаларини қабул қилиш, қайта ишлаш ва жўнатиш тарифларининг ўзгариши, шунингдек ваколат орган томонидан тартибга солинмаган қўшимча хизматларнинг тарифлари ҳақида мижозга хабар бери

- Почта жўнатмалари етказиб беришдаги чекловлар тўғрисида мижозга ўз вақтида хабар бериш.
- Амалга оширилган хизматлар учун қабул қилиш ҳисоб варақ фактура расмийлаштиради ва ёзма ҳам, электрон курунишда Буюртмачига имзолаш учун юборади.
- Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 августдаги 489-сонли қарорига кўра ўз вақтида қайтарилмаган ҳисоб варақ фактуралар қабул қилинган ва тасдиқланган деб ҳисобга олади.

4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

- 4.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳаққонийдир.
- 4.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олинishi зарур.
- 4.3. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

5. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

- 5.1. Мазкур шартнома 11.01.2022 йилдан «31» Декабр 2022 йилгача амалда бўлади.
- 5.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.
- 5.3. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:
 - томонларнинг келишувига мувофиқ;
 - Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.
 - Форс-Мажор ҳолатларида

6. ФОРС – МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

- 6.1. Томонларнинг хоши-истагига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар оқибатида томонларнинг ўз мажбуриятларини бажармасликлари ушбу шартнома шартларини бузиш деб ҳисобланмайди.
- 6.2. Ўз мажбуриятларини бажара олмаётган тараф шартнома шартларини бажаришга тўқтинлик қилаётган ҳолатлар ва уларнинг таъсири ҳақида иккинчи тарафга хабарнома бериши лозим.
- 6.3. Форс-мажор ҳолатларини вақт қилиб келтираётган тараф уларнинг тасдиғи сифатида ваколатли давлат органининг тегишли ҳужжатини тақдим этиши шарт.
- 6.4. Томонларнинг хоши-истагига боғлиқ бўлмаган, уларнинг олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар сифатида қуйидагилар назарда тутилади:
 - Енгиб бўлмас куч сифатида табиий офатлар,
 - Янги қабул қилинган қонун ҳужжатлари.

7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

- 7.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.
- 7.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонунга ва фуқаролик кодексига асосан иктисодий суди тартибида ҳал қилинади.

11. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«ХИЗМАТ КУРСАТУВЧИ»

"Ўзбекистон почтаси" АЖ
 Қашқадарё филиали
 Қарши шаҳри Мустақиллик кучаси 19 уй
 Тел : (0375) 221-16-75
 х/р : 20210000200155266279
 Банк : АТ Алока банк Қашқадарё филиали
 МФО : 00401 ИНН : 200833833
 ОКОНХ : 52100

«БУЮРТМАЧИ»

Қашқадарё вилоят
Қурилиш ва ҳуқуқий
х/р 401421850104017950113000
Марказий почк ташва
00014
20241014



Директор _____ О.Махмудов
 имзо

Юрист ҳудосаси :

Ушбу шартнома қонун асосида талабларга жавоб беради



ЛОТ № _____
 Раҳбар _____ Шаймуров
 имзо

М.У.

СПЕЦИФИКАЦИЯ

Карши шахри

11.01.2022 йил

Хизмат кўрсатувчи

"Ўзбекистон почтаси" АЖ Қашқадарё филиали

Буюртмачи

Қашқадарё вилоят қурилиш бош бошқармаси

Т/р	Номланиши	Улчов бирлиги	Сони	Нархи	Суммаси
1	Почта тулов Маркалари	дона	8	300	2 400,0
2	Почта тулов Маркалари	дона	552	3 800	2 097 600,0
	Жами				2 100 000,0

Хизмат кўрсатувчи

Буюртмачи

"Ўзбекистон почтаси" АЖ

Қашқадарё вилоят қурилиш бош бошқармаси

Қашқадарё филиали

